

Биринчи устун ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Г. Б. ЙЎЛДОШЕВАГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, миллий қадриятларни тиклаш ва маданиятни юксалтиришдаги фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси Гулнора Ботировна Йўлдошевага «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 сентябрь.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

11 сентябрь кўни Буюк Британиянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган транспорт вазири Лорд Гошен бошчилигидаги транспорт компаниялари вакиллари билан иборат делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири уринбосарлари Б. Ҳамидов ва К. Раҳимов билан учрашди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий, транспорт инфраструктураси соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар борасида фикрлашиб олинди.

БМТНИНГ СЕМИНАР-КЕНГАШИ

Яқин кўнларда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ташаббуси билан БМТ раҳнамолигида ташкил этилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича биринчи семинар-кенгаш ўз иштини бошлайди. Бу тадбир халқаро ҳаётда муҳим воқеалардан бири бўлади, деб ҳисоблашга тўла асос бор.

ЯНГИ ЎЙИНЛАРГАЧА ХАЙР

Яқинда Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида биринчи Марказий Осиё ўйинлари тантанали вазиятда ёпилди.

Унда республика Бош вазири А. Муталов, Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев ва Бош вазир уринбосари С. Саидқосимов иштирок этинди.

ТЕАТРДА ТАНТАНА

Абдулла Қаҳҳор номидаги республика Сатира театри ташкил этилганига 10 йил бўлди. Шу муносабат билан уюштирилган даврага республика Театр арбоблари уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги, пойтахт театрлари вакиллари тўпланишди.

ЎЗА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди

УШШБУ СОНДА

2-бет

Менинг кимлигимни эл билса бўлди...

5-бет

Бешикли уй-давлатли

8-бет

Зикони авф этинг!



Ёпирай!

23 ХОТИННИНГ ЭРИ

Зимбабвелек Тама Назумокзи ҳозир 72 ёшда. Унинг 23 хотини бўлиб, фарзандлари 138 нафар. Сўнги уч ўғли эса бир неча йил аввал туғилди. Таманинг уйи Марокаш чегарасидан беш юз метр наридаги «Тамандой» деган жойда жойлашган. Тама қорилик (дуоғўйлик) билан шугулланиб келади. Шу касби орқали оиласини боқайди. Ҳаражат ҳисоб-китобларини 32 ёшли котиб ўғли — Гони олиб боради. Унинг ҳисоб-китоби бўйича бу оилада рўзғорга бир ҳафтада бир тонна ун, 48 шиша ёғ, 80 килограмм шакар ва бир буқа гўшти кетар экан. Бу — харажатнинг бир тарафи. Фарзандларини кийим-бош, ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳам унинг бўйида, албатта. Ташвишлари кўп бўлса ҳам у ранжимаيدди, чунки кўп болалар бўлишни унинг аجدодлари васият қилиб кетган эканлар.

Б.ТУРҒУНОВ

Баногоҳ ҳар қандай одамнинг иши тушуши мумкин бўлган нуфузли, бир қадар сирли муассаса бор. Унинг номи: Тиббий-мехнат экспертиза хайъати (комиссияси) — ТЖЭХ(К). Сўбатимиз шундай муассасалардан бири, Сурхондарё вилояти Тиббий-мехнат экспертиза хайъатининг раиси, ҳокисор инсон Мансур Назарович Эрназаров билан.

25 йилдан буйи шу муассасага раислик қилиб келаётган Мансур ака дунё кўрмаган бўлса ҳам давра кўрган одамлардан. Мақсадимни тезда тушуни. Бир зум ўйга толди, ҳаёдан фикрларини жамлаб олгач деди: «Мен демокчи бўлган гапингиз ва айтмоқчи бўлган саволларингизни англадим. Эсимга келганича айтмай, хотиранингизда қолганини сўбатимизнинг шираси деб қабул қилгайсиз». Табиийки, мен рози бўлдим. Икки орада бўлиб ўтган сўбатдан эса қуйидагилар қолган экан:

— Тиббий-мехнат экспертиза хайъатида ишлаш жуда назик ва қийин. Хузуригимизга ёрдам сўраб икки хил тоифа одамлар келишади — лекин у хил эмас. Биринчиси, чиндан ҳам иш қобилияти пайсаян, ишлаб номини топишга қудрати етмайдиган, ёрдамимизга муҳтож одамлар. Иккинчи тоифадагилар эса... ногиронлик ҳақида ҳужжат олишга даъвогар бўлган ва лекин ишлашга тўлиқ ярайдиган найрангбоз одамлардир. Ана шу иккала тоифанинг қайсиси ростгўй ва қайсиси ёлгончи эканлигини аниқлаш, ойдинлаштириш учун анча меҳнат қилиш керак. Баъзан шундай бўладики, тўрт-беш ой поликлиникаларга қатнаб ва ёки касалхоналарда шунчаки ётиб ҳужжат тахлашади ва тўғри бизга келишади. Жойларда ана шундай йўл билан ногиронлик гуруҳи олиб, текин пул ёб ётганлар ҳам бор...

Бир воқеа эсимда қолган. Қизирик туманидан бир врач келди. Қанчалик диабет хасталиги тўғрисида иккинчи гуруҳ олган экан. Гарчанд иккинчи гуруҳ олган бўлса-да, врач бўлиб ишлаб олган. Навбатдаги комиссияда уни текшириб қўришган, учинчи гуруҳ беришди. Шунда у ишни ҳам йиғиштириб қўйиб, қанчалик диабетнинг оғир шакли билан оғрийди, деган ҳужжат тахлайди ва бизга келади. Ҳолбуки иккинчи гуруҳ ногирони бўлган киши ишга яроқсиз бўлади ёки бўлмаса ишга, меҳнат қилишга лаёқатини йўқотган одамларгагина иккинчи гуруҳ берилади. Ҳақиқат ким тарафиди эканлигини англадингизми энди? Тўғри, Уруш иштирокчилари, афгонда бўлганлар ёки Чернобил фожiasi қатнашчилари гарчи иккинчи гуруҳ ногирони бўлсалар-да, истисно тариқасида ишлашлари мумкин.

Шундай одамлар бор: узлари иккинчи гуруҳ ногирони ҳужжатиغا эга. Лекин узоқ томоркаларида девдай ишлашди, курсангиз қийол қоласиз. Ёки бул-

маса эртадан-кечгача бозорда олди-сотди билан шугулланишади. Чунтагида иккинчи гуруҳ ногирони ҳужжатиغا эга бўлган, лекин мамлакатлараро қол-қол юкларни елкалаб юрганларни ҳам бир куз олдингизга келтириб кўринг-чи!

Яқинда бир собиқ ҳарбач қабулимга келди. У ўзи даволанаётган шифохона врач устидан менга ақс қилди: «Қон босимимни 280 эмас, балки 140 деди». Мен ҳушёр тортидим. Нега врач унинг саломатлиги ҳақида хушбар айтса, ранжияпти? Сўнгра унга мен «Хотиржам бўлинг, ҳаммасини суриштириб кўраман», деб кузатдим. Маълум бўлдики, у катта жиноят-

туғилишини ҳам ҳеч қачон эсдан чиқармаслиқ керак. Мен бу гапларни нега айтаяпман? Қишлоқларда айтилган, она бўладиган қизлар ҳали-ҳануз ўқубатли меҳнат билан банд бўлишмоқда. Терлаш, чанқаш, очиқиш, чанг ютиш сабабли охири-оқибатда хотин-қизлар касаллиги келиб чиқади. Бу нарса, шубҳасиз, тугиладиган бола учун ҳам зарарлидир.

Вилоятимизда шундай ҳоллар борки, бир ёки икки фарзанди ногирон бўлгани ҳолда ота-оналари уларга ногиронлик гуруҳи ҳужжати олмайдилар. Сабаби: «Боласига инвалидлик пули олиб юрибди», деган гапдан ор қилишар экан... Жуда

МЕНИНГ КИМЛИГИМНИ ЭЛ БИЛСА БЎЛДИ...

лар қилиб, жавобгарликдан бўйин товлаб юрган шахс экан. Маълумки, ногиронлик гуруҳи олган айбдорнинг жазоси енгиллашади...

Баъзан узларини руҳий хаста деб ногиронлик гуруҳи ҳужжати олишни истаб келишади. Шунда мен уларга Термиз туманидаги Каптархона қишлоғида жойлашган руҳий хасталар шифохонасида ётиб ва сўнгра чиндан ҳам узларининг руҳий хаста эканликларига доир ҳужжат олиб келишларини таклиф қиламан. Шунда улар менинг оғзимдан «Каптархона» деган сўзни эшитишлари биланок сапчиб тушишади: «ўйлаб гапираяпсизми, дўхтур, одам Каптархонада ётса, эшитган-билганлар «тентахонага тушибди», деб масхара қилмайди», дейишади.

Ногиронлик гуруҳи нотўғри берилган ҳоллар ҳам бор, бўлади. 1993 йили назорат бўйича 838 кишининг ҳужжатларини ўрганиб чиқдик. Шундан 18 кишига бирламчи (дарвоқе, жойларда туманлараро, шаҳарлараро 8 та бирламчи ТМЭХларимиз фаолият курсатади) ТМЭХларда ногиронлик нотўғри аниқланган, деб топилди. Бундан ташқари 105 киши қўриқдан ўтди. Улардан 38 кишининг аризаси асосли деб топилди. Ҳақиқатан ҳам уларнинг ҳақи қийилган. Бундай ҳоллар Денов ва Термиз комиссияларида кўп учрайди.

Баъзан ногиронлик гуруҳи ошириб берилишини талаб қилиб келишадики, уларнинг дағдағасидан ҳайрон қоласан. Чунки ошириб бериш амалдаги қонун ва тартибга мутолақа зид бўлади. Тушунтириш, тортишмиш фойдасиз эканлигини билганимдан сўнг дейман: «Майли, бизнинг хулосаларимиздан норози экансиз, унда марҳамат, судга беринг, ҳақиқат ойдинлашсин».

Ҳозир соғлом авлод учун кураш олиб борилаётир. Бу жуда хайрли иш. Аммо соғлом бола соғлом, бардам ота-онадан

қизиқ ҳолат: бировлар соғлом бўлгани ҳолда ногиронлик гуруҳи оламан, деб бор кучини ишга салади, бошқа бировлар эса гарчанд қийналиб, камхарж ҳаёт кечирса-да, қонунга мувофиқ бўлгани ҳолда ногиронлик гуруҳи олишдан воз кечади...

Қалбаки ногиронлик ҳужжатини расмийлаштиришга келган ва охири-оқибатда иш чиқаролмаган бир киши дустимга шундай дебди: «Мансур Назарович деганингиз асли ўзи нон емас одам экан, ўзи ҳам емайди, бировга ҳам едирмайди». Дустим бу гапни кула-кула айтиб берди. Сени касб-корингга, касбаднингга хиёнат қилишга чорлашса, қатъият билан даъват қилишса ва ана уларнинг айтганларини қилмасанг, бунинг учун айблашса... қизиқ ҳолатга тушади одам.

Баъзан бўлади: ҳужжатларнинг орасига пул тахлаб олдингизга қўйишади. «Қани, нима гап ўзи биродар?» десангиз, сал ҳижолатга тушишади. «Мансур Назарович, сизда ҳам рўзгор, бола-чақа бор, келим-кетим бор...»

Бошқа айрим вилоятлардаги ТМЭХ ходимларининг таъмағирлик қилганликлари ҳақидаги хунук гаплар ошкор бўлди. Бундай нохуш ҳоллар бизнинг вилоятимизда ҳар борми? Ҳали-ҳозирча менга бу ҳақда ёзма ёки оғзаки равишда шикоят қилишгани йўқ. Жойлардаги бирламчи ТМЭХлардаги одамлар билан бўлган ҳар гапни учрашув, йиғилишларда ҳалоллик билан иш юришти кераклигини қаттиқ ўқтираман. Лекин... ҳар кимнинг узига инсоф берсин. Кимки таъмағирлик қилса, порахурилик қилса, шубҳасиз, Ҳақ олдида жавоб беражадир.

Шуни унутмангки, ТМЭХда ишлайдиган одамда агар диёнат, виждон бўлмаса, ҳар қандай номаъқулчиликни қила олади. Агар мен таъмағирлик қилиб, идорамизга иши тушган одамдан бир қўй олиб есам ёки фалон сўм пул олсам, табиийки,



бу нарса эртами-кечми юзага чиқмасдан ва эл-юртга ошкор бўлмасдан қолмайди. Чунки еган билмасмиш-у, едирган билармиш. Менинг таъмағирлик қилиб олган нарсам ҳафта, ун кунда ейилиб ёки ишлатилиб кетар, лекин номимга таъмағир, муттаҳам деган тамга ёпишса, у шубҳасиз, умрбод қолади. Мен ана шунисидан қўрқаман.

Ёшим олтишини қоралаб қолди. Шунча йил ишлаб, шу ёшга кириб таъмағирлик қилолмадим, демак мен энди бундан кейин ҳам бу ишни қилолмайман. Агар бой бўлиб кетадиган бўлсам, шу ёшимга қадар бой бўлиб кетардим. Демак, мен пешонамга битилганидан ортиқ нарсасига эга бўлолмайман. Бориға шукр қилиб ва қаноат этиб яшайман.

Агар адашмасам, Сиз энг кўп орзу қилган нарсани нима деб ҳам сўрадингиз. Орзуим шу эдики, маҳаллийчилик тамом барҳам топса. Бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа бориб яшайдиган, ишлайдиган одамни ҳеч қачон, ҳеч ким «келгинди» демаса... Ҳар бир одамни либосига, чунтагидаги пулига қараб эмас, балки ишига, феълига, диёнати-га қараб иззатини қилишса...

Мен яхшимани, ёмон одамманми, ишим қандай? Баҳо беролмайман. Бир қўшиқда айтилганидек, «Менинг кимлигимни эл билса бўлди».

Феълимда фазилат ёки қусур бор экан, улар шу ёшгача сақланган экан, демак буларнинг бари Ҳудодан. Демак, мен ҳеч нарсани ислох қилолмас эканман.

Юрагимнинг тубидаги истаклардан бири шу эдики, ҳеч ким, ҳеч қачон ногиронлик гуруҳининг нонига қўз тикиб қолмасин!

Сўхбатни Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ ЁЗИБ ОЛДИ.

Сурхондарё вилояти

Ҳовли юмушларига уралашиб юриб, беҳосдан қўшларнинг қаттиқ чирқиллаган товуши эътиборимни тортди. Молхона шифтига қалдирғоч ин қўрган, бола очган эди. Туйқусдан бир қора қўш утиб молхонага кириб қолиб, чиқишга жой топролмади, узини у еқдан бу еққа урапти. Бу қўшдан хавотирга тушган она қалдирғоч тунонам чирқиллаб фарёд солаптики, керак бўлса шу мурғак поянтлар учун жонини беришга тайёр. Мен қўшини молхонадан ҳайдаб чиқардим.

Тавба, бир жонзот ўз болалари учун шунчалик жон қуйди! Карангки, ҳаёлимга беихтиёр узим гувоҳи бўл-

ган бошқа бир манзара келди. Бу узим қатнашган суд мажлиси эди. Мажлисида шундай савол-жавоб бўлганди.

— Фуқаро Жалилов, фарзандингизни кучага ташлаб кетганингиз ростми?

— Ҳа рост.

— Туғруқхонада туққанмидингиз?

БОЛА ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПАЙЛИК

— Ҳа.

— Нега болани уша ерда қолдириб кета қолмадингиз?

— Бирор тузукроқ харидор чиқса, пулга бермоқчи эдим, тополмадим.

— Туғрироғи, туққан болангизни сотмоқчи эдингиз, шундайми?

— Ҳа, шундай...

Нега, полапонларига наҳот истаб чарх урган қалдирғочни қўриб, суд мажлиси қўз унгимга келди, узим ҳам ҳайронман. Фарзанди олдида бир қал-

дирғоччилик бўла олмаган аёл ҳақида нима дейиш мумкин? Аслини олганда эса бундай бераҳм аёллар кўпмас. Бирор эс бўлса-да давримиз, замонимизга касри-касофати урмасмикан?

— Бугунги кунда шахсан юртбонимиз, республикамиз ҳукумати соғлом авлод

утун жон қуйдириб амалга ошираётган ишлар бу нохушликларнинг олдини олишда гоятда қўл келаётди. Бироқ фақат ҳукуматгагина бу вазифани юклаб, четда томошабин бўлиб туришимиз ярамайди. Биз ҳар доим ҳар жойда ҳушёр бўлиб, болаларнинг юриш-туришларига уз муносабатимизни билдиришимиз керак. Масалан, кучадан утиб кетаётди, бир неча болаларнинг тулхан ёқаётганини кўрамиз, рогатка ясаб қўшларга озор етказаятганига қўзимиз тушади, бироқ бефарқ кетаверамиз. 5-6 та бўлиб бирор болани турткилаётган усмирларни кўрамиз, аммо қўрмаганга оламиз, дарахт шохларини синдираётганида, қўй, демаймиз. Бундай майда безориликка шўхлик, деб қарап лоқайдликдан эмас-



Абдул Фани Жума сурати

микан?

Эру-хотин ичкиликка ружу қўйган оилани нари борса ўзимизча муҳокама қилиб қўямиз, холос. Ана шундай оилаларда усаётган болаларнинг тўғри йўлга тушиб кетишига ким қафолат беради? Ахир, бундай болалар эрта бир кун биз билан яшайди, улар ҳам мушаккил юртимизнинг фуқаролари бўлиб етишади-ку!

Бир болага етти маҳалла ота-она, деган ҳикмат бор. Кўпчилик болаларнинг тарбиясига мактаб ўқитувчилари масъул, деган тушунчани маҳкам ушлаб олишган.

Маҳалла кумиталари, фаоллар, умуам, ҳар биримиз ўз турар-жойимиз, маҳалла-қўйимизда болалар билан суҳбатлашиб, улар қалбига йўл топиб, арзимаган воқеа учун болани милиция-га маҳаллага овоза қилмасдан, унга маънавий кумак берсак, менимча, салбий ҳодисалар кескин камайдя. Бола-га тўғри, рост гапни айтсак, вақтида уни тўғри йўлга солиб юборсак, у умрбод биздан миннатдор бўлади. Ва биз ўзимизнинг чин фуқаролик бурчимизни бажарган бўламиз.

Зарифахон БАҲОДИРОВА
Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлими васийлик ва ҳомийлик ташкилоти инспектори



кириб кела бошлайди. Шундай дилбар дақиқаларда ифори шабодалар қано-тида йироқ-йироқлардан қушиқ кела-ди:

Бу дунёда бормикан юрак бағри бу-тун...

Бу қушиқ — шу дарахтлар, шу улуг дарелар, шу оқ булутлар ва шу қадим замин сингари кўҳна бўлса керак. Чунки уни аёл куйлайди. — Нега табиат аёлни минг йилдан буён тугал бахтли қилиб ярата олмайди — менинг армо-

ғизни юрагимга неча йилдан буён чи-заман?! Ҳар гал сизни тинглаганимдан сунг яна ҳаёларим уша суратга ранг излайди, буюқлар нигоҳингизни тиниқ-лаштиришга интилади. Рассом уша маънос табассумли аёл суратини 36 йил чизган экан. Менчи, мен сизнинг су-ратингизни неча йилда чиза оларкан-ман, куйлаётган аёл!

Қуёш чарақлаб, осмон шишадай ти-ниқлашганда, кекса дарҳат узун йулак-

Оқишлар, гуллар...

Бу оқшом буларнинг ҳаммаси шу муҳташам саройда қолиб кетади. Ле-кин саройни тарк этаётган одамлар сизни юракларидан олиб кетадилар. Эртага яна улар барвақт туришлари, яна турмушнинг юкини қутаришля-ри, рузгор масалаларига бош қотиришлари керак... Юракнинг эса қувончи бор—у энди сизнинг қушиқ-ларингиз билан йшайди.

Эртага қизиб кетган темир излар-дан, оғир трамвайни ҳайдаб боради-ган ҳайдовчи амаки, биламан, энди сизнинг то кеч қулоқунча қулогин-гиз остидан кетмайдиган қушиқла-рингиз бор.

Тонгда барвақт туриб, шаҳар қу-чаларини супуриш учун отланадиган фаррош хола, эртага сизнинг ҳам уз дугоналарингизга куйлаётган аёл ҳа-қида айтиб берадиган ҳикоянгиз бор.

Уларнинг барчалари шу қадар ба-хтли бўлилари келдики... Уша бахт эшикни тақиллатиб, сунг остона ҳат-лаб, уйларига кириб келадиган, унга ҳар тонг, ҳар нурли оқшом юзма-юз келадигандай яшайдилар.

Бизнинг ҳаммамиз, мухлисларин-гиз, сизнинг ёруғ чехрангизни кур-гимиз, сизнинг сузларингизни тинг-лагимиз келади. Негаки, сизни бахт-ли аёл деб биламиз. Сизни кучли аёл деб биламиз. Зеро, кучсизлар бун-дай куйлолмайдилар.

Бу оқшом минг шукур қилдим сиз-нинг борлигингизга. Чунки сизнинг қушиқларингизни тинглаган аёл ҳам яшашга таянч, олға интилиш учун куч топа олади.

Армон эса бор, у эҳтимол були-ши, Бахт ва Муҳаббат сингари яша-ши керакдир. Чунки қушиқларда Ба-хт ва Муҳаббат ҳам бор-ку.

Бугун тонгда эрта турдим.

Қушиқ айтгим келди.

«Нега мен куйлай олмайман?», де-дим, юрагимга армон тулди, сизга яна ҳавасим келди, куйлаётган аёл...

Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА

КУЙЛАЁТГАН АЁЛ

(Насиба Абдуллаевани тинглаб...)

ним шунда...

Сиз қушиқ айтдингиз. Сиз қуйлар-дингиз-у кўҳна дунёга, одамларга, уз-узингизга таскин берадингиз. Шун-данми, менинг юрагимга ҳам бир оз таскин югурди...

Саҳнага сиз кутарилдингиз.

Зал бир оз ўз гала-говурини боса олмади. Сунг... бундай сукунат — со-кин денгиз бир нафас чайқалмай, ту-дин ой суратини ҳайрат билан чизаёт-ган лаҳзадагина юз беради.

Мен бундай сукунатни тунги боғ-ларда кўрганман.

Аёл ёринг бўлса, кўп тоза бўлса, Лабингни очма меҳри гар билинса, Қўлида тиллодан ҳам сози бўлса, Ушал ёринг гамдин озода бўлса, Дўст, ёр-эй...

Тингладим, узимга-узим: «куйлаёт-ган бу аёлнинг ҳислари — булутдай кўчкнмас, дарёдай — вазмин», «юра-ги тонгдай ойдин, ҳислари нурдай покнза, — дедим. Булмаса, юракни бунчалар тез забт эта олармиди?! Нигоҳларни узига тортиб, вужудларни зир титратармиди?

Мен, билмадим, сизнинг суратин-

ка олтин япроқларини тукканда, сиз билан узун йулдан ҳаёлан гаплашиб бораман.

Ёмғир деразамга бош уриб, жимги-на йиғлаганида, оппоқ қор қумуш уч-қунларга айланган ойдин кечада сиз билан суҳбатлашгим келади.

Шундай кунларнинг бирида Сиз яна қушиқ куйласиз.

Аразингиз кўзларимга сурма қилай, Кўнгал-гулдай, минг бор ўлиб, минг тирилай.

Сизга ёлғиз мен қалампар мунчоқ бўлай, Аразларда жоним қолиб кетсин менинг. Афсун ўқинг-айланайин мажнунтолга, Алла айтай, бизни севган лайлаққорға, Армон бўлай, менга армон бўлган ёрга Афсунларда жоним қолиб кетсин менинг. Яна уша жилвагар чироқлар тунги қумуш юлдузларга айланиб, еллардай рақсга тушаётган саҳнада турибсиз.

Сизни қушиқ маликаси деб айтсам-ми?! Сиз қушиқ айтаянсиз, залдаги минг-минглаб одамлар эса юракларини ҳаяжондан асрамоқчи буладилар. Юрак уша лаҳзаларда осмонларга таппинади, тулқин-тулқин дареларга айлантили кела-ди, кенгликларга чиққиси, телбалар-ча югуриб, сунг узини майсаларга от-гиси келади.

Санъат нима учун керак? Санъатни-нг, қушиқнинг муъжизаси нимада? Не-га, Қушиқдан сунг — қалбга еп-еруг хаёллар руҳсат сўрамай кириб кела бошлайди?!

Концерт тугади.

Тонгнинг гира-ширасида куйлаёт-ган аёлнинг юрагида Армон булади. Армон шундай нарасаки, уни 17 еш-га тулмаган, юзлари оқ олмадай те-кис, узини бутун гўзаллиги билан оламга, одамларга кўрсатишга инти-лаётган гўзал қиз, сен ҳали тушун-майсан.

Армон ўзи шундай нарасаки, ке-линчаклик оламига кириб келаятган, табассумдан бошқани билмайдиган, лаблари чўгдай, дундиққина келин-чак, сен ҳам ҳали унинг совуқ ниго-ҳига дуч келмадинг.

Лекин Армон шундай бешафқат ҳукмдорки, у Аёлни севади, аёлнинг кўз ёшларини кургиси, аламларига қулоқ тутгиси келаверади.

Эҳтимол, шунданми, ҳар тун ду-ненинг бир четида аёл бор — тун қоронғусида деразадан ташқарига термулиб, жимгина йиғлаётган...

Эҳтимол, шу боис дуненинг бир бурчида аёл бор — куйлаётган!

Тонгнинг гира-ширасида қушиқ келади. Бу — Табиатнинг шундай бир маъсум лаҳзаси эдики, бунда Тун То-нг билан учрашадн-ю, ёруғ юлдузла-рини қора сандигига бир-бир сола-ди. Қумушданми, олмос шоҳиданми қимматбоҳа либос кийиб аста-секин



Ҳабибулло МАДАЛИЕВ

ШАБАНАН

Гўёки булбуллар менга бəхт тилар,
Шамоллар эркалаб сочларим силар,
Кўксимдан харсангдек аламлар қўлар,
Ҳуш ҳаво бағрингни кезсам, Табиат.

Мажнунтоллар сархуш ҳаёл сурарлар,
Сойларга солланиб сочин ўрарлар,
Барглар йўлларимга гилам соларлар,
Ҳуш ҳаво бағрингни кезсам, Табиат.

Андҳум елларга, ерга отаман,
Хикронинг дил ўртар чокни ситаман,

Ҳуш ҳаво бағрингни кезсам, Табиат.

Мен ҳам бир зум маъсум ўйга толаман,
Ё сойнинг куйига қулоқ соламан,
Ўзимга илоҳий мадад оламан,
Ҳуш ҳаво бағрингни кезсам, Табиат.

Табиат, менку бир инсонман, холос,
Шеър ёзиш мен учун балки бир ҳавас,
Лекин илҳомимга ўзингсан сабаб,
Ҳуш ҳаво, бегубор, буюк Табиат.

• Соғлом ва гўзал бўлай десангиз

21. МАЙУРАСАН


(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Важрасан ҳолатида одёль ёки гиламда ўтиринг. Қўлларингиз-ни оёқлар устидан ўтказиб, тиззаларингизнинг олдида қўйи-нг. Кафтларингиз тиззаларин-гизни кўрсатаётгандай бўлсин. Қўлларингизни тирсакларингиз-дан эгилтиринг, нафас чиқари-нг ва нафас олманг. Тирсакла-рингизни киндигингиз ёнига келтиринг. Тирсакларингиз ва кафтларингиз ортларига таян-ган ҳолда танангиз оғирлигини мувозанатланг. Бу ҳолат ушбу асанни мукаммеллаштиради. Бошланишда ушбу асаннинг на-фас ҳақаргунга қадар бўлади-ган чарақатларини бажарсангиз кифоя. Сиз бу асанни икки ёки уч мартагача такрорлашингиз мумкин.

Қари ёки кучсиз кишилар бу асанни бажармасликлари ке-рак. Натижаларга кўра, ушбу асанни бажариш аёлларга сал-

бий таъсир кўрсатар экан. Шу сабабли аёллар ҳам бу машқни бажаришдан ўзларини тийиш-лари лозим.

Фойдалари: Майурасан овқат ҳазм қилиш аъзоларига ижобий таъсир кўрсатади. Ичакларни тоза сақлашга ва иштаҳанинг ошишига ёрдам беради. У ош-қозондаги микробларни ҳайдайди, дизентерия, ошқозон ва ичак касалликларидан ши-фо топишга ёрдам беради. Диа-бетни даволайди.



● Футбол юлдузлари ҳаётидан

ЗИКОНИ АВФ ЭТИНГ!

Зико (Артур Антунес Козмбро) 1953 йилда Бразилияда туғилган. 1970—1983 йилларда «Фламенго» (Бразилия), 1983—1986 футбол мавсумларида эса Италиянинг дунёга машҳур «Удинезе» командаларида тўп сурган. 1981 йилда киталараро кубок соҳиб бўлган. 1977—1981—1982 йилларда Жанубий Американинг энг номдор футболчиси, 1983 йилда эса дуненинг энг машҳур футболчиси деган шарафли муваффақиятларга эришган. 1982, 1986 йиллардаги жаҳон чемпионатларида қатнашган. Бразилия терма командаси сафида 73 бор майдонга тушган.

Бутун дунёга таниқил бўлган футбол юлдузларидан бири, Бразилия терма командасининг муҳир ҳужумчиси Зиконинг кейинги йиллардаги ҳаёти ҳамда тақдир билан танишиб, одамзоднинг бир-бирига эди, кечириб нумон бўлмаган икки хил ҳусусияти мавжудлигини англагандек бўлдим...

Теварак афроримизда узимиз сингари яшаб келаётган замонашларимиздан бири уз иродаси, тиришқоқлиги, хатти-ҳаракатлари билан элнинг назарига тушиб кўпчилик ичида довуқ таратса, уни ҳар биримиз оdatлашдан кура кўпқоқ севишимиз, илҳом бериш қадимизга олиб юртимиз келаварди. Узимизга еки бошқа олдий одамларга зарар етказиб бўлсада, довуқли кишига яшап, давру даврон суриш учун ҳамма жойда қулай имкониятларни яратиб бериш илҳомимизга яшаймиз. Бу албатта азал-азалдан қонимизга сингип кетган мурувватимиз ҳисобланади.

Бирок биз ардоқлаб, ҳаммаша меҳр-муруват курсатиб юрган уша одам қутилмаганда арзиманган хатога йўл қўйса, узимизга йиллаб уқиниб, ҳақоратлаб юрмиш. Илгариги эътиборимизни унутиб бормамиз.

Футбол юлдузи Зиконинг тақдир ҳам худди мана шундай бўлди. 1986 йилга қалар Бразилияда унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Оғзидан нима чиқса шак-шубҳасиз бажариларди. Бирок 1986 йилининг есида Мексика стадионларида утказилган жаҳон чемпионатининг «Франция — Бразилия» учрашувида рақиб дарвозасини 11 метрдан аниқ нишонга ололмаганилиги унга жудаям қимматга тушди. Чемпионат мобайнида Бразилия терма командаси совринли уринлардан бирини ололмаганилиги, шунингдек айрим футболчиларнинг суст ва соувқон ҳаракатлари ҳам юлдуз — Зиконинг ҳатоси олдида денгиздан томчи бўлиб қолаверди. Шу баҳона унинг 1982 йил Испания чемпионатида қўлга киритган ютуқлари ҳам бир пул бўлиб кетди.

Мексика чемпионати (1986) нихосига етгач, Бразилияда терма командани худди илгаригидек дабдабали қувончлар билан эмас, балки куракда турмайдиган ҳақоратли гаплар, миш-мишлар билан қўти олишди. Зико самолётдан тушиши билан одатдагидек спорт журналистларининг қўршовида қолди. Фақатгина берилаётган саволларнинг шаймаси бутунлай бошқача эди. Ҳатто журналистлардан бири «Сиз Бразилия учун илгаригидек шон-шувратли Зико эмас, балки ландовур Зикога айланиб қолганлигини сезаянсимиз!» деб савол берди. Шувратга берилиб кетган Зико бир оғиз ҳам гап айтмасдан машинага минди-ю, кетди.

Мексикада утказилган жаҳон чемпионатидан сунг Зико ватанига қайтиб бормасликка журъат қилолмади. Шунингдек, бошқаларга ухшаб ашаддий ишқибозлардан япиринмади, ҳам. «Удирса, удирар» дея тип-тиксизга юраредди. Худди мана шу ҳолат унинг доворак ва ўта мағрур одам эканлигидан дарак беради. У ватанида доимо чемпионат олтин медалини қўлга киритолмасликда узининг ҳеч

қандай айби йўқлигини исботлашга киритилмаган биргина 11 метрли жарима тўпи билан бутун команданинг, қолаверса, бутун бир маҳоратли футболчининг уйинига салбий баҳо бериш мутахассисларнинг иши эмасда. Бунинг учун албатта Бразилия Зикони авф этса арзирди. Чунки биргина Зико давлат банкига ҳар йили миллион долларлаб нақд фойда туширарди.

...Жаноб Артур Антунес Козмбро (Зико) деб унга акалариг лақаб қўйишганди)нинг иккита акаси бор. Каттасининг исми Эду, ундан кейингиси эса Антонес. Агарда Бразилияни ашаддий футбол ишқибозларининг ватани деб атайдиган бўлсак, у ҳолда Зико тутилган оилани футболчилар оиласи дея тан олишга мажбурмиз. Чунки унинг иккита акаси ҳам футболчи бўлган. Улар Зикодек жулдам маҳоратли бўлмасда, ҳар ҳолда мамлакат чемпионатининг энг кўзга қўринган командаси бўлиши «Америка»нинг ишончли вакиллари бўлишган. Аммо сираям Бразилия терма командаси сафида майдонга тушмаган. Уларнинг профессионал футболдаги ўрни 1960 йилларга тўғри келган.

Эду журналистлар томонидан берилган «Футболни сен дуруст уйнайсанми эки Антонес?» деган саволга «ҳозирча биз узимизни маҳоратли деб айтолмаймиз. Орадан бир неча йиллар утгандан кейин ҳақиқий футбол юлдузини кураисизлар. У менин кичик укам Зико бўлади» деб жавоб берарди, ҳаммаша. Ҳақиқатан ҳам Эдунинг гапи тўғри чиқди. Укаси футболда кўпчилик орзу қилиб юрадиган муваффақиятларга эришди. Мамлакатда унга «Ок Пеле» деб янги исм қўйилди.

Артур Антонес Козмбронинг отаси ҳам ешилдида футболга мукасилдан кетган. Лекин у эзи уйлагандек юз миллионлаб футбол ишқибозларининг кузи олдида бирор марта тўп тепмаган. Шунинг учун эзи етолмаган орузига утиллари етишини истарди. Мамлакатдаги энг яхши курайдиган командаси «Фламенго» эди. Шу сабабли ҳам Зико 11 ешта етганда оиласидигилар узаро маслаҳатлашиб отасининг дуси журналист Селто Гарсиянинг ердами билан уни «Фламенго» ўсмирлари сафига топирирларди. Команданинг уша пайтгайла бош мураббийси Моделсто Бриа Зиколан келажакда дуруст футболчи чиқишига ишонмади. Чунки Зико жулдам озгин ва нимжон эди. 11 ешта тулишга қарамасдан хатти-ҳаракати, афт-ангори эндиғина 7-8 ешли тудакни еслатарди.

Зико айлн паллада футбол мактабида таҳсил олган қўиларини ҳаммаша қувонч билан еслайди.

— Навбатдаги уйинларнинг бирнда, — дейди у — бош мураббийимиз менга майдонга тулиш учун тайёрларлик қўилрини буюрди. Аввалига ҳаяжонланиб қўриб турдим. Орадан бироз вақт ўтгач, узимни қўлга олдим. Рақибларимиз мени ҳали яхши билмаганлигидан унчалик эътибор ҳам қилишмади. Командадошларимнинг тўп ошириб беришларини кутадиган бўлсам узим истайдигек уйнолмаслигимни тушуниб етдим ва учрашув тугашига 20 дақиқа қолганда тулпин майдон марказида еғалаб олдим. Шиддат билан олдинга иттилиб бир йўла турт ҳимоячини алаб утдим-у, дарвозабон билан яккама-якка чиқиб зарб билан тулпин дарвоза турига туширдим. Учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда иккинчи тулпини ҳам киритдим. Мана шу воқеадан сунггина мураббийлар менга алоҳида эътибор билан қарайдиган бўлишди.

Зико 18 ешта тўлганда худди Диего Марадона сингари бутун дунёга танилди. Терма командага Телс Сантана бош мураббий этиб тайинлангач, унинг фамилиясини асосий футболчилар каторига киритди. Шундай қилиб қисқа қўилар ичида Козмбронинг озгин ва нимжон уели Бразилияда энг ишончли футболчига айланди. 1977 йилга

келиб уни Бразилия мамлакатининг энг кучли футболчиси деб тан олишди.

1978 йил Аргентина стадионларида утказиладиган жаҳон чемпионати уйинларида қатнашиш Зиконинг бирдан-бир орзуси эди. Бирок янги бош мураббий ҳеч қандай хато ва сабабсиз уни терма команда рўйхатидан чиқариб ташлайди. Шу билан юлдузининг орзуси армонларга айланиб кетди. Булажак жаҳон чемпионатида қатнаша олмади.

Энг номдор футболчи бўлиш учун одамзодга биргина маҳоратнинг ўзи камлик қиларкан. Юлдуз бўлиш учун албатта омад ҳам асосий масала сифатида ҳаммаша қўналган туралди. Аммо ҳаёт Зико учун сал-пал бўлсада омадсизроқ келди. Билмадим, бу нима билан боғлиқ. ...Тирилкининг темир қонунияти бўйича оққорани таниган, яхши билан ёмонни фарқлай оладиган кишилар табиятан ваэмин бўлишади. Зикода ҳам худди шундай бошқилик мавжудлигини унинг уйинларини эътибор билан кузатадиган ҳар бир футбол ишқибози дарров англаб олади.

Зико Жанубий Америкада тутилган бўлишига қарамасдан, Европа футболда ҳам узига хос ўрин қолдирган. У Италиянинг «Удинезе» командасида тўп суриб янада шуврат топган. Орадан бир йил ўтгач, оғир жароҳат олди. Врачлар дарров операция қилишди. Натияжада бир йил майдонга тушолмади. Охири яна ватани Бразилияга қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Мексикада утказиладиган жаҳон чемпионатининг бошланғичга санокли қўилар қолганда у яна бир бор операция столга етишига тўғри келди. Буниси олдингисига қараганда анча енгил утди. Зико қисқа қўилар ичида узининг илгариги маҳоратини тиклашга улгурди. Буилан беҳал қувонган бош мураббий уни эзи билан Мексикага олиб келди. Лекин французлар билан бўлган учрашувидаги жарима тўпи...

Зико катта футболдаги сунгги қўиларига эзининг «Фламенго» командасига содиқ қолди ва 37 ешда футбол билан хайрлашди. Шундан сунг айрим ташаббускорлар уни Бразилия ҳукумати спорт министрлиги лавозимига кутаришди. Бу пайтга келиб эса мамлакатда футбол тарққиети орқага кета бошлаган эди.

Терма командага Зиконинг тенгдоши Фалкао бош мураббий этиб тайинлангач, улар иккаласи яхши ишларни амалга оширирларди. Нима бўлди-ю куп утмай ишқибоз ҳамда олижаноб мутасаддилардан анча-мунчаси Зикони терма командадан бош мураббий этиб тайинлаш таклифи билан чиқишди. Бирок, Зикони улар авф этсинлар! У мураббийлик масаласидан очикчасига бўйин товлади. Сабаби 1990 йилининг охирида унга Япониядан таклиф тушган, Артур Антонес Козмбро эса ҳеч иккисиланмасдан бунга рози бўлганди.

Нормурод МУСОМОВ

СЎНГГИ
УСТУН«ҚУЁШ, НУРИНГ
СОЧАВЕР...»

Бутун Ўзбекистон ҳудудига бир йилда тушадиган қуёш энергияси ана шундай ҳудудга тенг майдондаги ярим метр қалинликдаги қумирни еқишдан олинадиган энергия миқдори билан баробар экан.

Биргина пойтахт Тошкентга бир йил мобайнида Қуёшдан келадиган иссиқлик 37 миллион тонна қумирдан олинадиган иссиқликка тенг.

ҲАР ЖОЙДА БОР
ТОШУ ТАРОЗИ

70 килограмм тош босадиган одам Ойга чиқса, унинг ваэни 11,7 килограммдан оғимайди. Меркурийда-18, Марсда-26, Уранда-59, Венерада-63, Сатурнда-79, Нептунда-80, Юпитерда-185 килограмм келган булар эди.

ЯНА МУЗ ТАЪРИФИДА

Талқиқотчилар Пири ва Россларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, баландлиги 50 метр, узунлиги 4 километр бўлган кичикроқ муз тоғи — айсбергнинг оғирлиги 1,5 миллиард тонна келар эди. Агар битта ана шундай айсберг тудла эрса борми, Сидларедан 5 ойда, Амударёдан 3 ойда оқиб утадиган сувнинг миқдорига тенг булар эди.

БИРИ ГУЛЛАБ, БИРИ
ПИШАДИ

Африканинг экваториал ўрмонларида узунлиги 200-300 метр келадиган йўгон-йўгон чирмовуқлар усади. Дарахларнинг шоҳлари, новдалари, ҳатто барилари орхидеялар билан қопланган бўлади. Бу ерда йил фасллари алмашишини йўқ. Шунинг учун бир дарах энди гуллаётган вақтда, енидагисининг мевалари пишиб ётади.

БЕБАҲО ГЎЗАЛ

Леонардо да Винчининг «Мона Лиза» (бошқача айтганда, Жақонда) асарини 1517 йилда Франция қироли Франциск I 15,3 килограмм олтин баҳосига сотиб олиб, ваннахонасига осиб қўйган эди.

АҚЛ ЁШДА ЭМАС

АҚШлик Жекки Кутан 1920 йил олти ешида машҳур Чарлз Чаплин билан бирга «Жужук» фильмида роль уйнайди ва бунинг эвазига бир миллион доллар гонорар олади.

КЎҲНА ВА КАТТА

Дунеданги энг катта пивоҳона Олмониянинг Мюнхен шаҳрида жойлашган бўлиб, бу ерда ҳар қуни 48 минг литрдан ортиқ пиво сотилар экан. У утган асрда — 1829 йилда қурилган.

ФИЛЛАР — МЕНИНГ
ДЎСТЛАРИМ

Филлар ҳам худди инсонлар сингари 18-20 ешида балогатга етган ҳисобланади, одатда 70-80 йил умр куради. Янги тутилган фил 90-100 килограмм тош босиши мумкин.

Битта фил кунига 200 литргача сув ичади.

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси
болалар жамғармаси ва «Соғлом
авлод учун» Халқаро хайрия
жамғармаси.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик
майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95.
Даврон БЕК
навбатчилик қилди
Обуна индекси — 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0409. 23566 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.